

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2007 йил, 31 июль, СЕШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ


№ 145 (10.954)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

Бу байрам — барчамизники, бутун халқимизники



Кечка сатрларда

● **БУГУН** Тошкент шаҳар ҳокимлигида халқ таълими, соғлиқни сақлаш соҳаларида узоқ йиллар давомида ишлаб келган фахрийларга соғломлаштириш масканларига йўлланмалар топширилди.

● **БУГУН** «Асбобсоз» спорт мажмуасида анъанавий «Футболимиз келажаги» турнирининг шаҳар босқичи ўтказилди. Мусобақалар «Маҳалла» жамғармасининг шаҳар бўлими томонидан ташкил этилди.

● **КЕЧА** Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида Маънавият тарғибот маркази, Фидокорлар Миллий демократик партиясининг Чилонзор туман бўлимлари ҳамкорликларида «Бу байрам — барчамизники, бутун халқимизники!» шиори остида «Истиқлол мушоираси» мавзуда уюштирилган тадбир Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланди.

● **ЎТГАН** куни Тошкент педиатрия тиббиёт институти талабалари иштирокида Тошкент вилояти, Тўйтепа шаҳридаги ҳарбий қисмда ўтказилган тадбир Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳарбий кафедраси ҳамда Юнусобод туманидаги Хамид Олимжон номи маданият уйи ҳамкорликларида уюштирилди.

● **БУГУН** Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманида жойлашган «Фазогир» оромгоҳида тарбияланувчилар, тарбиячилар иштирокида «Ёни «Камолот» билан!» лойиҳаси доирасида ўтказилган «Камолот» куни» тадбири «Камолот» ЕИХ Чилонзор туман бўлими Кенгаши томонидан уюштирилди.

● **БУГУН** Миробод туманидаги «Сариқўл», Фуркат, Фитрат номи маҳаллаларда яшовчи 100 нафардан ортиқ кам таъминланган oilаларнинг фарзандлари «Ёни «Камолот» билан!» лойиҳаси доирасида Тошкент ҳайвонот боғига экскурсия қилишди.

● **БУГУН** Бектемир туманидаги «Бектемир», Олим Аширов маҳаллалари ёшлари иштирокида «Камолот» ЕИХ Бектемир туман бўлими ташаббуси билан тиббий саводхонликни ошириш мақсадида ташкил этилган ўқув курсининг навбатдаги машғулот бўлиб ўтди.

● **ИЖТИМОЙ** химоя йили ҳамда тобора ақинлашиб келаётган юртимиз Мустақиллигининг 16 йиллиги арафасида Фидокорлар Миллий демократик партияси Марказий Кенгаши ва партиянинг Тошкент шаҳар Кенгаши фаоллари истеъдодли рассом, меҳрга ташна инсон Тоҳир Уринов хонасида бўлиши ва унга ҳомийлик совғаларини топшириши.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан).



УЧТЕПА ТУМАНИ

Туман умумий майдони 2,8 минг гектарни ташкил этган ҳолда 232,9 минг аҳоли истиқомат қилувчи 53 та маҳалла ҳудудий бирликларига бўлинади.

Ижтимоий жиҳатдан фаол ҳисобланган бу туман айни пайтда пойтахтнинг ижтимоий барқарор маркази макомига ҳам эга десак адашмаймиз. Бу ерда 33 та мактаб, махсус мактаб-интернат, бешта касб-хунар коллежи ва иккита академик лицей, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети ва Солиқ академияси, шунингдек бешта касалхона ва олтига oilавий шифохона жойлашган. Айтиб ўтиш жоизки, ҳозирча пойтахтда очилган дастлабки врачлик шохобчаси туман ҳудудидаги «Бекобод» маҳалласи аҳолисига хизмат қилмоқда.

Туман ҳамда шаҳар иқтисодиётига салмоқли ҳиссасини озиқ-овлаш маҳсулотлари, шунингдек, қурилиш, тўқув ва заргарлик буюмлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган саккизта саноат корхонаси кўшаётир. Жорий йилнинг ўтган даврида юқори кўрсаткичларга эришса «Вимм Билл Дан» хорижий корхонаси ва «Электрзоилит» кўшма корхонаси каби турли мулкчилик шаклидаги яна тўртта корхона эришди. Бу борада «Электрзоилит» пойтахт миқёсида 15 та барқарор фаолият юритаётган корхона қаторига қиритилгани тумanning бу борадаги нуфузи ортиб бораётганидан далolatдир.

Жорий йилнинг январь-июнь ойлари давомида туманда саноатда ишлаб чиқариш ҳажми 151,1 фоизни, халқ истеъмоли моллари ҳажми — 119,4 фоизни ташкил

этди. 2,7 миллион АҚШ долларига тенг товар ва хизматлар экспорт қилинди, 9,7 миллион АҚШ долларига тенг импорт қилинди. Бу борада айниқса маиший хизмат кўрсаткичи соҳасида яхши кўрсаткичларга эришилгани кузатилади. Ўз навбатида, дастурнинг ортиги билан бажарилиши янги иш ўринлари бўйича дастурнинг ҳам амалга оширилишига асос бўлди. Хисобот даврида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш йўналишида 1330 та янги иш ўринлари яратилди.

Туман бандликка кўмаклашувчи марказдан олинган маълумотларга кўра, умуман ўтган вақт давомида 2343 киши иш билан таъминланган бўлса, шундан 169 та аёл уй меҳнати шароитида фаолият юрита бошлади.

Хисобот даврида туманда 10,3 миллиард сўмга тенг капитал қўйилмалар ўзлаштирилган бўлса, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4,6 фоизга ошган



нани кўрсатади. Хорижий инвестицияларни жалб этиш дастури бўйича ҳам туманда ўзига хос сезиларли натижаларга эришилди, аниқроғи барча қиритилган хорижий сармоялар тўғрисида 341,7 миллион сўмга тенг. Ўтган йилга нисбатан бу кўрсаткич бир ярим бараварга кўпдир.

Учинчи чорак янқулари бўйича эса туманда жумладан, янги ишлаб чиқариш қувватларининг ишга туширилиши ҳисобига умумий ҳажми 1,1 миллиард сўмга тенг бир нечта лойиҳанинг ўзлаштирилиши кутилмоқда.

Учтепаликлар Мустақиллик байрамига ҳам қизгин ҳозирлик қўришмоқда. Яқин кунларда туман ҳудудида янги ижтимоий мажмуа, бир қатор маиший-маданий шохобчаларнинг ишга туширилиши кўзда тутилган. Шунингдек, тубдан реконструкция ва капитал таъмир ишлари ниҳоясига етаётган 75, 78 ва 116-мактаблар ҳам янги ўқув йилга муносиб тўхфа бўлади.

(Учтепа туманига бағишланган саҳифа материалларини 2-бетда ўқийсиз)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси депутатларининг ташаббуси билан ва давлатимиз раҳбари Ислам Каримов раҳнамолигида парламент томонидан қабул қилинган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги конституциявий қонунга мувофиқ депутатлар сиёсий партиялар фракцияларининг Қонунчилик палатасидаги раҳбарлари орасидан Спикер ўринбосарларини сайлади.

Маълумки, қайд этилган конституциявий қонун эълон қилинганга қадар Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосарлари Қонунчилик палатаси қўмиталари таркибига сайланиши, фракциялар ва депутатлар гуруҳи таркибига кириши мумкин эмасди. Ўз вазифасини адо этиши давомида сиёсий партияларга аъзолигини тўхтади турарди. Энди эса аввалги амалиётдан фарқли ўлароқ, сиёсий партиялар фракциялари раҳбарлари Спикер ўринбосарлари этиб сайланади ва ташкил этилган қўмиталар аъзоси бўлиши ҳамда уларнинг фаолиятида фаол иштирок этиши мумкин.

Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси мажлисида сўзга чиққанлар сиёсий партиялар фракциялари вакилларининг Спикер ўринбосарлари этиб сайланиши мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида ислохотларни янада чуқурлаштиришда муҳим қадам бўлганини таъкидлади.

Мажлисида мазкур қарорнинг қабул қилиниши сиёсий партиялар фракцияларининг Қонунчилик палатасидаги ролини оширишга, уларнинг парламентда мамлакат қонунчилик органи фаолиятининг мазмун-моҳияти ҳамда йўналишини белгилаб берадиган ҳаракатлантирувчи асосий куч сифатида шаклланишига хизмат қилади, деб таъкидланди. Бу, ўз навбатида, сиёсий партияларни фаолаштиришда янги туртки бўлади, сиёсий партиялар фракцияларининг Қонунчилик палатасидаги фаолиятида рақобатни кучайтириш, электрот манфаатларини, шунингдек, партияларнинг дастурий кўрсатмаларини янада фаолроқ илғари суриш имконини беради.

Шунингдек, мажлисида Қонунчилик палатасида раҳбарлик лавозимини эгаллаш имконияти хар бир партия раҳбариятининг ўз электорати олдидаги маъсулятигини янада ошириши қайд этилди. Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг айрим қўмиталари таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги ва кун тартибидagi бошқа масалалар муҳокама этилди.

(ЎЗА)

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Сурхондарё, Жиззах ва Самарқанд вилоятларида ярим йил яқунларига бағишланган фаоллар йиғилишлари бўлиб ўтди.

● Тошкентда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда «Меҳр нури» хайрия жамғармаси ташаббуси билан таъсис этилган Иқтидорли талабалар учун стипендиялар дастури бўйича саралаш босқичи ўтказилди.

● Марказий Офицерлар саройида Республика оммавий ахборот воситаларида ҳарбий-ватанпарварлик мавзусининг ёритилиши масалаларига бағишланган семинар уюштирилди.

● Бухоро шаҳрида Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамиятининг табиий офатлар пайтида тезкор ҳаракат қиладиган кўнгилли жамоалари иштирокида ўқув машғулотлари ўтказилди.

● Оҳангарон шаҳрида аҳолига маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Унда ҳаммом, эркаклар ва аёллар сартарошхоналари, пойабзал таъмирлаш устахонаси, ҳовузлар бўлиб, миждозлар учун барча қулайликлар яратилган.

● Хиванин «Ичонқалъа» давлат музейи кўриқхонасидаги «Кўҳна арк»да янги Хоразм тарихи музейи очилди. Ушбу музейга неолит, тош ва бронза асри, Хива хонлари даври, буюк олимлар ижодида тааллуқли 600 дан ортиқ экспонатлар қўйилган.

● Наманган шаҳрининг Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида «Наманган олмлари» деб номланган экофестивал бўлиб ўтди.

● Мустақиллигимизнинг 16 йиллиги байрами арафасида Шофиркон туманидаги Тезгузар қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган Сабзикор, Саволик, Қурама, Фурғун қишлоқларига водопровод қувурлари тортилиб, аҳоли ичимлик суви билан тўла таъминланди.

● Жорий йилда Термиз — Қарши шаҳарлари ўртасида 140 километр масофага оптик толали шиша кабелларнинг ётқизилиши Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари орасида телефон алоқасини янада яхшилаш имконини беради. Ҳозиргача ушбу йўналиш бўйича 120 километр масофага алоқа кабеллари ётқизиб бўлинди.

● Қизилтепа туманида «Футболимиз келажаги» мусобақасининг Навоий вилоят босқичи яқунлашти.

● Компьютерда янги дастурлар тузиш, Интернет тизимида ахборот оқимини тезлаштириш мақсадида мамлакатимизда жорий йилнинг биринчи августдан 25 сентябрга «UZ» домени миллий Интернет-фестивали ўтказилади. Унда давлат бошқаруви, таълим, маданият ва тадбиркорлик соҳаларида фаолият юритаётган Интернет сайтлари иштирок этади.

ЖАҲОНДА

● Европа комиссиясининг адлия, озодлик ва ҳафсизлик масалалари бўйича комиссари Франко Фраттинининг билдиришича, Европа Иттифоқи давлатларида юқори малакали мутахассислар бозори иш бошлайди. Унда Иттифоққа аъзо бўлмаган давлатлар фуқаролари шартнома асосида ишлашлари мумкин бўлади.

● Швециянинг Skanska компанияси БМТнинг Нью-Йоркдаги биносини капитал таъмирлаш мажбуриятини қўлга киритди. Тузилган шартномага кўра бетондан ясалган 39 қаватли бинони таъмирлаш ишларига 1 миллиард доллар миқдоридида маблағ сарфлаш кўзда тутилган.

● Кеча Толибон жангарилари ультиматум муддати тугаганлиги ва ҳукумат томонидан уларнинг шартлари бажарилмаганига сабабли Афғонистонда гаровга олинган Жанубий корейликлардан яна бир кишини қатл этишганини билдиришди. Шунингдек, Қатардаги «Ал Жазира» телеканали илк бор гаровга олинган Жанубий корейлик аёллар тасвирини «ойнаи жаҳон»да намойиш этди.

● 1969 йилда Шимолий Ирландияда католиклар ва протестантлар ўртасида чиққан низони бостириш мақсадида Буюк Британия қироллиги томонидан 38 йил давомида амалга оширилган «Байроқ» операцияси эртага ўз ниҳоясига етади. Бу ердан қироллик ўзининг деярли барча ҳарбийларини олиб чиқиб кетади, ҳудудда тинчликни сақлаш ишларини эндиликда Шимолий ирландияликларнинг ўз армияси амалга оширади.

● Венесуэла Президенти Уго Чавес трансминтақавий газ қувури тортиш лойиҳаси унга бош қўшган давлатлар етакчиларининг сиёсий иродаси сустиги боис музлатилганлиги ҳақида баёнот берди.

● Хитойда 17 июлдан буён давом этаётган кучли ёмғирлар туфайли ҳаётдан қўз юмганлар сони 80 кишига етди. 300 нафар аҳоли эса жароҳатланган. Мамлакат ҳукумати 470 минг одамни зудлик билан хавфсиз жойларга кўчирди. Сув тўшқинлари туфайли ушбу ҳудудларда электр ва транспорт тармоғи бутунлай издан чиқди.

● Испаниянинг Грен Канария курорт оролида чиққан ёнғин 4 минг гектар ўрмон ҳудудига ёйилди. Бу ердаги аҳоли ва сайёҳлар хавфсиз жойларга эвакуация қилинди. Ўрмонга ўт қўйганликда айбланиб, кеча бир киши ҳибсга олинди.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология хизмати марказининг маълум қилишича, 1 август куни Тошкентда ҳаво ўзгариш туради, ёнғинга чўшиб бўлмайди. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 18-20, кундузи 35-37 даража иссиқ бўлади.

ФРАНЦИЯ ПОЙТАХТИДА АБУ АЛИ ИБН СИНО МЕРОСИГА БАҒИШЛАНГАН «X-XX АСРЛАР ГАРБ САНЪАТИДА ИБН СИНО ТИМОЛИ» МАВЗУИДАГИ ИЛМИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ БЎЛИБ ЎТДИ. АНЖУМАН УШБУ МАМЛАКАТНИНГ «АВИЦЕННА-ФРАНС» УЮМШАСИ ТОМОНИДАН ЎЗБЕКИСТОННИНГ ПАРИЖДАГИ ЭЛЧИХОНАСИ КЎМАГИДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ. УНДА УЮШМА АЪЗОЛАРИ, ФРАНЦИЯЛИК КЎЗГА КЎРИНГАН ШАРҚШУНОС-ОЛИМ ВА АРХЕОЛОГЛАР, ИЛМ-ФАН ВА МАДАНИЯТ АРБОБЛАРИ, КЕНГ ЖАМОАТЧИЛИК ҲАМДА ДИПЛОМАТИЯ КОРПУСИ ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.

ЖАН-КЛОД РИШАР:


«ЎЗБЕКИСТОН — МЕНИНГ ИККИНЧИ ВАТАНИМ»

Йиғилганларга мамлакатимизда амалга оширилётган кенг қўламли ислохотлар, халқимизнинг маданий ва маънавий меросини асраб-авайлаш, жумладан, жаҳон илм-фани ривожига бебаҳо ҳисса қўшган Шарқнинг буюк олими Абу Али ибн Сино хотирасини абадийлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар хусусида атрофлича маълумот берилди.

Конференцияда санъатшунос-олим Эрик Обер ҳамда «Авиценна-Франс» уюшмаси президенти Марк Боннель ўз илмий мазруваларини йиғилганлар эътиборига ҳавола қилди. Франциялик тадқиқотчилар Ибн Синонинг ҳаёти ва фаолияти, буюк мутафаккирининг тиббиёт соҳасида амалга оширган тадқиқот ва каш-

фиётлари ҳақида фикр юритди. Э.Обер, жумладан, Франция миллий кутубхонаси архивига сақланган бўлган кўнрама ва бошқа қадимий ҳужжатларнинг фото слайдларидан фойдаланган ҳолда Ибн Сино ҳаётининг энг ёрқин ва диққатга сазовор жиҳатлари ҳақида сўзлаб берди. У, хусусан, буюк бобокалонимиз терапия, тахшиш қўйиш, дори-шунослик каби соҳаларда муваффақиятли изланишларни амалга оширганлиги тўғрисидаги ҳужжатли далилларни тақдим этди. «Ўз фаолиятида эришган улкан ютуқлари учун Ибн Сино Фарбда «Илм-фан қироли», деган шарафли номга сазовор бўлган», — деди Э.Обер.

(Давоми 2-бетда).



Бу байрам — барчамизники, бутун халқимизники

Кейинги икки-уч йил ичида шаҳарнинг бу ҳудудида амалга оширилган ижобий ўзгаришлар шу тарзда давом эттириладиган бўлса, яна бироз вақт ўтгач, Учтепа тумани пойтахтнинг ижтимоий маркази мақомини олиши тўғрисида гап.

Маълумки, ўтган йили Мустақиллик байрами арафасида Журжоннинг номи маҳалла ҳудудида катта ижтимоий мажмуа фойдаланишига топширилган. Бу мажмуани очилишида иштирок этган мамлакатимиз Президенти, хусусан, барпо этилган замонавий 8-оилавий поликлиника билан бундай мажмуани олишнинг мақсади — ҳар томонлама уйғун ёш авлодини тарбиялаш йўлидаги сайёҳлик ва тарбия қилуви билан боғлиқ бўлган. Бундай объектни барпо этилишида аниқ ҳисоб-китоб юриштириш лозимлиги, биринчи навбатарда аҳоли сони, шу жумладан қариёлар, болалар ва аёллар таркибини ўрганиш лозимлиги ҳам алоҳида ургу бериб ўтилган. Давлатимиз раҳбари оилавий поликлиникаларнинг жиҳозланиши ҳам замонага яраша, ўз навбатида, мутахассислар малакаси ҳам муносиб равишда таъминланиши юзасидан таъминланган берганди. Поликлиника қаторида бу ҳудудда маҳалла гузари, спорт мажмуаси ҳам қўрилган. Бироз вақт ўтгач бу ерда «Полик-текстиль» тикув фабрикаси ишга туширилди. Демокримизки, биргина маҳалла шунчалик замонавий инфратузилмага эга бўлди.

Бу ерда авваллари бўлмаган киши у ёқда турсин, маҳалла аҳолисининг ўзи ҳам шу кунларгача ўзини гуё эртақда яшаётгандек ҳис қилмоқда. Бошида бу шунчаки хаёлий гап деб ўйлагандик. Лекин кўп қаватли мавзелик ичида жойлашган «Кўргонтепа» маҳалласига қадам бошимиз билан, эртақ ҳақидаги гаплар ҳақиқатлиги гап бўлди.

Уч гектар майдондан иборат ҳудуд гўзал манзаралик қилинган. Аҳоли истикомат қилувчи 50 та кўп қаватли уйлarning таъмирлари кўрилди. Марказ хозирча республикада ягона ҳисобланган энг замонавий тиббий ускуна — Германиянинг «Сименс» фирмасида ишлаб чиқарилган сўнгги рўсумдаги 64 мультислайдлик комплексти томографи билан жиҳозланган. Бу ерда бош ва орқа миёна, қон томирлари, умуман бутун тана ички аъзоларини текшириш аниқ ташхис чикариш мумкин. Бундан ташқари, ультратошув аппарати ҳам қайд этилган компаниянинг маҳсулоти ҳисобланади. Лаборатория ускуналари эса автоматик равишда беш-ўн дақиқа ичида тегишли жа-вопларни чикариб бериши имкониятига эга. Марказда шунингдек, Италиядан келтирилган стоматология рентген, протезлаш ва даволash мажмуи ҳам бор. Мутахассисларимиз Австралия шифохоналарида бир ойлик курсларни ўтаб келишди. Ташхис маркази бир кунда 300-350 дан зиёд мижозни қабул қилиши имкониятига эга. Энг муҳими — оилавий поликлиникалар йўлланмалари асосида уларга мутахассисларимиз томонидан бепул хизмат қўрилади.

2007 йил — Ижтимоий Ҳимоя йили БУНЁДКОРЛИК ОДИМЛАРИ

Ташкилот томонидан бу объектга жалб этилган ўз касыбининг усталари бўлган 800 дан зиёд қурувчи икки йерим ой давомида куну тун ишлаб объектни белгиланган муддатда битиришга эришди.

Янги тикув фабрикаси «Мурувват-текс» шўба корхонасининг бир тузилмаси бўлиб, бу ерда шу ҳудуддаги маҳалла ёшлари иш билан доимий банд бўлади. Шунинг таъкидлаш лозимки, ишлаб чиқариладиган тайёр маҳсулотларнинг 70 фоизи экспортга мўлжалланган.

Яқинда ўз ишони бошлаган диагностика маркази Учтепа ва Чилонзор туманларининг 500 мингга яқин аҳолисига бепул хизмат қўрилади, — дейди марказ бўш шифокори Юсуф Сидиков. — Ижтимоий Ҳимоя йилида шакризм аҳолиси энг зич истикомат қилувчи мавзёда бундай ишчиликни аҳолиси билан таъминлаган шу каби диагностика марказларини пойтахтимизнинг ҳар битта туманида қуриш режалаштирилган. «Кўргонтепа» маҳалласида қад ростлаган ижтимоий мажмуанинг тўлиқ фойдаланишига топшириш эса Мустақиллик байрамининг 16 йиллигига мўлжалланмоқда.

Ислохотлар оқимида

«ЧЕВАР» ИДФОРЛАР САҒИДА

БИР ПАЙТЛАР РЕПУБЛИКА МИКЕСИДА ЎЗ САЛОҲИЯТИГА ЭГА БЎЛГАН, ЛЕКИН, ОЧИГИНИ АЙТГАНДА, МАЪЛУМ САБАБЛАРГА КЎРА КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА БИРОЗ «СОЯ»ДА ҚОЛГАН «ЧЕВАР» ТИКУВЧИЛИК КОРХОНАСИ ЯНА ҚАДДИНИ РОСТЛАМОҚДА.

Бунга куни кеча пойтахт фаоллари йўғилишида алоҳида ургу берилгани, хусусан «Чевар-нинг нафақат шаҳар, балки республикада касаначиликни ривожлантириш дастури ижросини таъминлашда энг яхши кўрсаткичларга эришгани таъкидлангани ҳам эъқол далил бўла олади. Албатта, шаҳарда саноати ривожланган туманлар эмас, балки ишлаб чиқаришда имконияти чекланган Учтепа тумани учун буни эътиборга молик воқеа деса ҳам бўлади.

«Чевар» акциядорлик жамиятида 93 нафар уй бекалари учун оиласи шaroитида меҳнат қилиши имконияти яратиб берилди. Шу яқин атрофдаги маҳалла аёллари, бир пайтлардагидек, ўз-ўзларини тебратгани ҳолда бундай вақтида оиласи билан тиқил-чатиш ишларини амалга оширмоқда. Чопон, чойшаб, ёстиқ жилдларини тикиб, улар оила бюджетига салмоқли ҳисса қўшишмоқда. Касаначилик билан шуғулланаётган ҳар бир аёлга меҳнат дафтарчаси очилган, ўрта ҳисобда 100 минг сўмгача ойлик маоши тўланади, электр қуввати тўловларидан имтиёз берилган, зарурати туғилганда эса касалик варақаси бўйича ҳам тўловлар кўзда тутилган.

— Яхши маълумки, касаначилик ботида корхонамиз катта таъриба орттирган. Бир пайтларда мингдан зиёд маҳалла аёллари бюуртам асосида уй шaroитида меҳнат қилишарди. Бунинг учун уларнинг уйларига тикув дастгоҳлари ҳам етказиб берилганди, — дейди жамият бошқаруви раиси Азиз Каримов. — Янги тизим деярли сақлаб қолинган, фақат механизмини бугунги замон талабиго мус равишда қайтадан тиклаш керак. Бошланғич ёмон бўлмади, шеклили. Мурожат қилувчилар албатта кўп, лекин хозирча имкониятларимиз чекланган. Биз тўлиқ қувватда ишламоқдамиз. Аммо шунинг ишонтириб айтаманки, тез орада бу масала ижобий ҳал этилади...

Ҳа, бу масалани деярли ҳал бўлди деса ҳам адашмаймиз. Тошкент шаҳар ҳокими қарори билан «Чевар» акциядорлик жамияти учун ўрикзор мавзеси ҳудудида 0,5 гектар майдон ер ажратилиб, бу ерда барча инфратузилмалардан иборат ирик тўқимачилик фабрикасининг қурилиши режалаштирилди. Корхона раҳбарининг маълумотиго кўра, бу ерда минг киши иш билан таъминланади, шу жумладан 750 та иш ўрни касаначилик учун мўлжалланмоқда. Яқин кунларда корхона қурилиши бошланди, келгуси йили Мустақиллик байрами арафасида ишга туширилиши кўзда тутилмоқда.

Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари

ИШОНЧНИ ОҚЛАШ — МУҚАДДАС БУРЧ

СОБИТЖОН АКА ИМОВОМНИНГ ЖОЙИДА — МАҲАЛЛА ИДОРАСИДА УЧРАТИШИМИЗГА ТЎЛА ИШОНЧИМИЗ ЙЎҚ ЭДИ, ЧУНКИ КЎПЧИЛИК ОҚСОҚОЛ ДОИМО МАҲАЛЛА-КЎЙ ДАРДИДА ЮРАДИ, УНИ ИДОРАДАН ТОПИШ ҚИЙИН ДЕГАН БИРДЕК ФИКРНИ БИЛДИРГАНДИ.

Мўжазгина, шинама ва файзли маҳалла, гузари кўпроқ хонадон ҳовлисини эслатади. Ичкарига қадам боссангиз ҳам худди уйга киргандай бўласиз — оstonадан бошлаб хоналаргача гилам тўшланган, ҳамма ёқ бартариб, саранжом-сарилта, гард юкмаган. Атрофга назар ташлар эканмиз, беҳитиёр кўнгилмиз ёришиб кетди, кайфиятимиз янада кўтарилди.

Очиғини айтганда, оқсоқол қандай бўлиши керак, деган саволга шу кунгача жоаб тополмай, ниҳоят энди ўз тасаввуримиздаги оқсоқолни учратгандай бўлди. Йўқ, гап шунчаки галдаги мактовда эмас. Илк фикримизнинг қанчалик ҳақиқат эканлигига бироз вақт ўтгандан сўнг яна амин бўлдик.

Сўхбатимиз бошланғич арасида оқсоқол қабулига ўрта ёшли аёл ижозат сўраб қирди. Тўшунимизимизча, илтимос билан келган экан. Собитжон ака биздан хижолат бўлиб, уэр сўради ва узогини билан ярим сотада қайтишини билдирди.

Вақтдан унумли фойдаланиш ниятида кўчага чиқдик, хонадонлар томон юрдик. Ҳамма жой кўнгилдагидек — тоза, сувлар сепилган, дeryли аксарият хонадонлар олдига гуллар очилиб ётибди. Шовкин-сурон

ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

ТУМАНДАГИ 53 ТА МАҲАЛЛАДАН САККИЗТАСИНИ АЁЛЛАР БОШҚАРМОҚДА. ШАҲАРДА БУ ЭНГ КАТТА КЎРСАТКИЧ.

ҳокимлигида катта давра сўхбати томонидан олиб бориладиган ишлар кўлами кенг. Биринчи навбатда амалий таъбирларга кўпроқ эътибор қаратилмоқда. Чунончи, давлатимиз раҳбарининг ёш оилаларини қўллаб-қувватлашга оид Фармонлари эълон қилиниши билан кўмитамизга жуда кўп қўнғироқлар, бевосита мурожаатлар бўлди. Ёшлар ҳам, ота-оналар ҳам мазкур ҳужжатнинг мазмун-моҳиятини, қандай имтиёзлар кўзда тутиладиганини лўнда қилиб тушунтириб беришни илтимос қилишарди. Шуларни инобатга олган ҳолда куни кеча туман

Техника ИЖОДКОРЛИГИГА — КЕНГ ЙЎЛ

лан бирга агарда маҳаллага баъзи бир ҳужжатларни расмийлаштиришда, масалан, ҳудудда маиший хизмат кўрсатиш шохчаларини очиб каби масалаларда тўлиқ ишонч билдирилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Маҳаллаимиз ҳудудида мактаб, мактабгача таълим муассасалари бор. Нима учун уларни таъмирлаш ишлари четдан амалга оширилиши керак? Муассаса маҳалла қамровидаги, ўз оиласи аъзоларига ўзимиз ердан беришимиз лозим. Қурбимиз этиши учун эса маблаг манбаларининг маҳаллий идоралар билан биргаликда белгилаб олиниши тўғри бўлади. Қачонки моддий томондан биз мустақил ва мустахкам бўлсак, шундагина билдирилган ишончнинг тўла оқлай оламиз. Тўғри, маҳалла — маънавият ўчоғи. Урф-одатлар, анъаналаримиз янгилари билан бойиб, ривожланиб бормоқда. Ишончим комилки, кадр-қиммат, меҳр-оқибат маҳалларимизда ҳеч қачон йўқолмайди. Мақсадимиз фуқаролик жамиятини шакллантириш экан, демок, маҳаллага тамомила ишонч билдиришининг вақти келди.

Бу фикрларни оқсоқол яқинда туманда бўлиб ўтган «Маҳалла кўни»да кўпчилик олдига ҳам билдирди. Собитжон Имомовнинг ўтган йиллар давомида «Кўча Октепа» маҳалласи аҳолиси олдига қилган хизматлари инобатга олиниб, туманда «Энг ибратли маҳалла оқсоқоли» деб топилди ва танловнинг шаҳар бошқинига йўлланма берилди. Оқсоқолга омад тилаган ҳолда, яхшилик улашишларида чарчаманг, деб қўлаимиз.

ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

хонлигида катта давра сўхбати томонидан олиб бориладиган ишлар кўлами кенг. Биринчи навбатда амалий таъбирларга кўпроқ эътибор қаратилмоқда. Чунончи, давлатимиз раҳбарининг ёш оилаларини қўллаб-қувватлашга оид Фармонлари эълон қилиниши билан кўмитамизга жуда кўп қўнғироқлар, бевосита мурожаатлар бўлди. Ёшлар ҳам, ота-оналар ҳам мазкур ҳужжатнинг мазмун-моҳиятини, қандай имтиёзлар кўзда тутиладиганини лўнда қилиб тушунтириб беришни илтимос қилишарди. Шуларни инобатга олган ҳолда куни кеча туман

дари бўлган ҳолда куни кеча туман аёлларининг ўзи ҳам фаоллик кўрсатишлари лозим. Албатта, туманимизда ўзига яраша муаммолар ҳам бор. Маҳалла фуқаролар йиғини таркибиде фаолият юритаётган диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича малаҳатчиларнинг ҳаммаси ҳам ўз вазифасини тўлиқ эди етмоқда, дея олмайман. Бу тизим малакали кадрлар билан ҳали тўлиқ таъминланмаган деса ҳам хато бўлмайди. Аммо маҳаллага бу вазифа юклатилгани энди уч йил тўлди. Шунга қарамадан, бугунги кунда шаҳаримиз бўйича бир неча маслаҳатчи

дават унволирига ҳам сазовор бўлгани катта ютуқдир. Шулар қаторида — «Шухрат» медали билан мукофотланганлар ичида туманимиздаги «Шарқ гули» маҳалласи фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Басира Сафарованинг ҳам борлиги биз учун шароф. Демак, жамиятнинг таъинчи ҳисобланган маҳалла фаоллари назардан четда қолмаётган. Уларнинг, жумладан аёлларнинг ҳам машаққатли меҳнати давлат томонидан муносиб рағбатлантирилади бизга билдирилётган юксак ишончнинг тасдиғидир.

ХАЛҚАРО АНДОЗАЛАРГА ЖАВЪБ БERAДИ

«ЎЗФАРМСАНОАТ» ДАВЛАТ-АКЦИЯДОРЛИК КОНЦЕРНИ ТАРКИБИД, 23ТА КОРХОНА ФАОЛИЯТ КЎРСАТМОҚДА. «НОБЕЛФАРМСАНОАТ» КОРХОНАСИ ХМ КОНЦЕРНИНГ ЕТАКЧИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БАЗАСИГА АЙЛАНИБ ҚОЛДИ.

«Нобел Пак Сан ва Тек. А.С.» турк ширкати инвестицияси асосида ташкил этилган бу корхонада эъир 45 номда турли дori-дармонлар тайёрланмоқда. Алергия ва нафас йўллари хасталиқлари муолажаларида қўлланиладиган препаратларга ҳам талаб ортиб бормоқда. Корхона лабораторияси замонавий техника билан жиҳозланганлиги туфайли маҳсулотлар халқаро стандартлар талаблари даражасида чиқаришмоқда. Шу сабаби уларнинг бир қисми четга экспорт қилинмоқда.

Саҳифани **Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА тайёрлади.** Козим Ҳаммаев олган суратлар.

ЖАН-КЛОД РИШАР: «ЎЗБЕКИСТОН — МЕНИНГ ИККИНЧИ ВАТАНИМ»

(Давоми. Боши 1-бетда).

«Авиценна-Франс» уюшмаси президенти М.Бнелль Европада Ибн Сино меросини ўрганиш ва омаштиришининг муҳимлигига эътибор қаратди. «Бу, ниҳоят, таълим тизимини такомиллаштириш, ёшлар юксак маънавий ва ахлоқий мезонлар асосида тарбиялаш, диллараро бағрикенглик қадриятлари ва ийилларини қарор топтириш, маданиятлараро моқот ва маданий ранг-барангликни ривожлантиришда аҳамият касб этади», — деди у.

Француз олими ўз маърузасида Ўзбекистон жамияти томонидан Ибн Синонинг бой илмий мероси асараб-авайлаш мақсадида амалга оширилётган атра-тадбирлар хусусида гапириб ўтди. У, шунингдек Фарб илм-фани вакиллари буюк бобокалонимизнинг илми ва фаолияти, Шарқ ва Фарб олимлари ўртасидагзаро алмашинувлари ривожлантириш ҳамда Ибн Сино гоъларининг жаҳон тиббиётига кўрсатиб келадиган таъсирини ўрганишга катта қизиқиш билдирадигани айтиб ўтди.

М.Бнелль конференция иштирокчиларига ўрачбарлик қилаётган уюшма томонидан амалга оцрилган ишлар ҳамда келажакдаги режалар хусусида элаб берди. Маърузачи Хоразм вилоятидаги Қўшқўш лицейи билан Парижнинг Софи Жермен лицейи ўрасида ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш ҳамда Афшаддаги Ибн Сино музейини қайта таъмирлаш муҳимканлигига ургу берди.

Маърузалардан сўнг иштирокчилар ўртасидагъаҳхмунозаралар, фикр алмашувлар бўлиб ўтди. Ўбир иштирокчилари, хусусан, Париж қанида жойшган Бобиний шаҳридаги Авиценна номи билан атвучи шифохона профессори Жан-Жак Руссе, шифоксаррох Шайх Туамми, «Темурийлар даври санаъти вварихини ўрганиш» уюшмаси президенти профессо Люисен Керен, «Авиценна-Франс» уюшмаси Бош тиби Алик Хусайн, Франциянинг Ўзбекистондаги соқ элчиси Жан-Клод Ришар Ибн Синонинг илм-фан маданияти тараққиётидаги бекийс хизматларини ткидлаб ўтди. Буюк мутафаккирининг илмий ишлари кашфийетлари жаҳон илм-фани ривожига зўр туртбергани қайд этилди.

«Авиценна-Франс» уюшмаси раҳбарининг таифиго кўра Франциянинг Ўзбекистондаги собик чиси Ж.-К.Ришар мазкур ташкилотнинг вице-презенти этиб сайланди.

«Жаҳон» аҳборот агентлиги муҳбири билан ўлган сўхбатда жаноб Ришар, жумладан, шундай деди: «Мен Ўзбекистонда элчи сифатида 1995-2000 йиллардавомида фаолият юритганман. Мен учун иккинчидатан бўлиб қолган бу аjoyиб мамлакатни ҳеч қачонунтмайман. У заминнинг батақор манзаралари, бойладаний мероси, маҳобатли мейморий ёдгорликлар меҳмондўст халқи билан ажралиб турадиган муъжаввий бир юртдир. Ўзбекистон тўғрисидаги таассуотлар қалбимда умрбод сақланади.

Тошкент ISECO ташкилоти томонидан 20С йилдаги ислом маданиятининг пойтахти, деб эълонқилингани муносабати билан Ўзбекистон халқи ва рфарииятини чин орақадан табриқлайман. Тошкент — кў миллионли аҳолига эга бўлган гўзал шаҳар. У дўннинг турли бурчаларидан келувчи сайёҳларни лолдидрадиган даражадаги тарихий ва маданий ёдқликларга, юксак даражада тараққий этган олий ўқ юртларига, университет ва институтларга бой. Ўндай экан, ISECO ҳар томонлама асосланган ўнғри қарорини қабул қилган.

Тошкентда ислом цивилизациясининг турлижихатлари ва унинг тараққиётида Ўзбекистон эгалл турган ўрнига бағишланувчи «Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси равнақига қўшган ҳиссаси» мавзидаги халқаро илмий-амалий конференцияни ташки этиш гоъсини тўлиқ қўллаб-қувватлайман. Ўйлайманки, Франция ҳам мазкур аҳнуманда ўзининг етак олим ва тадқиқотчилари билан иштирок этади. Коноренция ташкилотчилари ва иштирокчиларига мувафаккият тилайман. Бизда ислом қадриятларига қаттаҳамият берилади. Ўзбек маданияти ҳам алоҳида қадатга сазовор ва дунё миқёсида машҳур бўлган маданиятлардан бўлса-да, у янада яхшироқ танилишгаойлик. Францияда мамлакатингизнинг ихлосмандлақ жуда кўп».

Иқтисодийёт

ТЕХНИКА ИЖОДКОРЛИГИГА — КЕНГ ЙЎЛ

«ТОШШАҲАРТРАНСХИЗМАТ» УЮШМАИДА ТЕХНИКА ИЖОДКОРЛИГИ КЕНГ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛГАН. УЮШМА КОРХОНАЛАРИ РАЦИОНАЛИЗАТОР ВА ИХТИРОЧИЛАРИ ИЗЛАНИШЛАРИ БИЛАН КЎПЛАБ ТЕХНКА ЯНГИЛИКЛАРИ РЎБГА ЧИҚДИ.

Улар транспорт воситаларини туб таъмирлашда ҳам кўл келмоқда. Жорий йилнинг ўтган 6 ойидаюшма бўйича жами 27 турда 2814 та таклиф тушди. Узнинг аксарияти ишлаб чиқаришга таклиф этилди. Ниҳадда 7825,2 минг сўмлик эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқилди. Энг муҳими улар импорт ўрнини бемалол осоди. Транспортчи техника ижодкорларининг яқинда ўқазилган шаҳар селтида қўлга киритилган бу каби пуқлар сарҳисоб қилинди. Энг яхши рационализатор в ихтирочилар меҳнати муносиб тақдирланди.

ХАЛҚАРО АНДОЗАЛАРГА ЖАВЪБ BERAДИ

«ЎЗФАРМСАНОАТ» ДАВЛАТ-АКЦИЯДОРЛИК КОНЦЕРНИ ТАРКИБИД, 23ТА КОРХОНА ФАОЛИЯТ КЎРСАТМОҚДА. «НОБЕЛФАРМСАНОАТ» КОРХОНАСИ ХМ КОНЦЕРНИНГ ЕТАКЧИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БАЗАСИГА АЙЛАНИБ ҚОЛДИ.

«Нобел Пак Сан ва Тек. А.С.» турк ширкати инвестицияси асосида ташкил этилган бу корхонада эъир 45 номда турли дori-дармонлар тайёрланмоқда. Алергия ва нафас йўллари хасталиқлари муолажаларида қўлланиладиган препаратларга ҳам талаб ортиб бормоқда. Корхона лабораторияси замонавий техника билан жиҳозланганлиги туфайли маҳсулотлар халқаро стандартлар талаблари даражасида чиқаришмоқда. Шу сабаби уларнинг бир қисми четга экспорт қилинмоқда.



№ 6(178) Тошкент шаҳар табиати муҳофаза қилиш қўмитасининг саҳифаси

ҲАММАСИ ҲАММИЗГА БОҒЛИК

МУЛҚДОР МУЛКИГА ҲАММИЗГА ЭҒЛИК ҚИЛАДИ, УНДАН Фойдаланади ва тасарруф этади. МУЛҚДАН Фойдаланиш ЭКОЛОГИК МУҲИТГА ЗАРАР ЕТКАЗМАСЛИГИ, ФУҚАРОЛАР, ЮРИДИК ШАҲСЛАР ВА ДАВЛАТНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲАМДА ҚОНУН БИЛАН Қўқайланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт. (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 54-модда).

Бугунги кунда завод, корхона ҳамда автомобиллардан чиқаётган чиқинди газларнинг атроф-муҳитга кўрсатаётган салбий таъсири кишини ташвишга солади. Статистика маълумотларига кўра шу кунгача 140 миллиард тоннага яқин чиқинди газ ва чанглар атмосферамиз бузилишига сабабчи бўлган. Саноат ва транспорт воситаларидан чиқаётган чиқинди газлар миқдорининг йилга 4 миллиард тоннани ташкил этаётгани эса масаланинг жиддийлигини дарак беради.

лиқ муаммолардан ҳоли қилиш масалалари саноат корхоналарида бир қатор солиқ ва тўловлар орқали тартибга солинади. Булар таркибига ер солиғи ер ресурсларидан фойдаланганлик учун, ер остидан фойдаланганлик учун солиқ ва табиий муҳитни ифлосланганлик ва чиқиндиларни жойлаштирилганлик учун тўловларини санаб ўтиш мумкин. Ҳозирги маълумотларга кўра Тошкент шаҳрининг ўзида 24 мингта корхона мавжуд. Шулардан 2 минг 900 корхоналар тўловларни ўз вақтида амалга оширмақда. Қолганлари эса...

муҳитга зарар келтирмаслик қонун-қоидаларига риоя қилиши устидан назорат ишларини амалга оширади. Ушбу қўмита Тошкент шаҳридаги 1,5 мингта ишлаб чиқарувчи корхонани ўз назоратига олади.

Яна бир масала, мутахассисларнинг айтишича, ҳозирги кунда кўпгина корхоналарда таркибда симоб моддаси бўлган лампалар тўпланиб қолмоқда. Бу лампаларнинг синиши натижасида симоб моддасининг чиқиндилари атмосферага акралиб чиқади. Таркибда симоб моддаси бўлган битта лампанинг синиши 25 м.куб ҳавонинг симоб буглари билан захарланишига олиб келади. Қолганини

эса ўзингиз ҳисоб-китоб қилишингиз мумкин. Бу каби муаммоларни бартараф этиш борасида Тошкент шаҳридаги Мотор заводи ҳудудда «СЭЛТА» кўшма корхонасида изланиш олиб борилмоқда, корхона таркибда симоб моддаси бўлган лампаларнинг симобини ажратиш олади ва зарарсизлантиради.

Биз ўзимиз яшаётган атроф-муҳитни асрашимиз, атмосферанинг ифлосланишига йўл қўймаслигимиз лозим. Афсуски, кўп корхоналарнинг зарарли манбалар учун тўловларни борлигини нуқтиб қўйишгани масаланинг долзарблигича қолишига олиб келмоқда.

Гавҳар САОДАТОВА

ҲАМКОРЛИКДАГИ ҲАРАКАТЛАР МУАММОНING ОЛДИНИ ОЛАДИ

РЕСПУБЛИКАМИЗ МУСТАҚИЛЛИККА ЭРИШГАН ДАСТЛАБИК ДАВРДАЁҚ ЮРТИМИЗДА ЭКОЛОГИК МУАММОЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА УШБУ МАСАЛА ЮЗАСИДАН ҚОНУНИЙ ТАЪСИР ЧЕГАРАСИНИ БЕЛГИЛАШ МАҚСАДИДА ЕТАРЛИ ДАРАЖАДА ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР МАЖМУАСИ ЯРАТИЛДИ. КОНСТИТУЦИЯНИНГ ТЕГИШЛИ МОДДАЛАРИДА ФУҚАРОЛАРНИНГ АТРОФ - ТАБИЙ МУҲИТГА ЭХТИЁҚОРОНА МУНОСАБАТДА БЎЛИШЛАРИ БЕЛГИЛАБ ҚўЙИЛГАН.

Ҳозирги кунда экология атамаси табиат тўғрисидаги, табиат ва ҳамийат ўртасидаги муносабатларни ўрганивчи фанлар мажмуасига киритилган. Айни пайтда шаҳримиздаги умумий ўрта таълим мактабларида, касб-хунар коллежларида, олий ўқув юртиларида алоҳида фан сифатида ўқитилмоқда. Бундан асосий мақсад — инсонларни экологик оғдатдан кутқариш ҳамда атроф-табиий муҳит билан керакли муносабатларни ёш авлодга ўргатиш ҳамда уларнинг экологик маданиятини юксалтиришга эришишдан иборат. Шунинг таъкидлаш кераки, бугунги кунга келиб ер юзидан экологик муаммолар долзарб масалага айланиб улгурди. Жумладан, айрим саноат ишлаб чиқариш корхоналаридаги атмосфера ҳавосига зарарли моддалар чиқарувчи муқим ва кўча манбалар чанг ва газ ушлаш қурилмалари билан тўлиқ жиҳозланмаган. Бундан ҳам ачинарлиси, кўз пайтида, яъни ҳазоренг даврида дарактлардан тўқилган барглари қилини (1 тонна ҳазон ёндирилганда атмосфера ҳавосига 30 килограмм углерод оксиди чиқади), қурилиш ишларини бажариш чоғида ва кўп қаватли уйларнинг томларини таъмирлашда махсус қурилмасиз очик аланга ол-

дириб битум эритиш одат тусига кирган. Битум ёқилганда ажралиб чиққан қурум ва ҳазон ёқилганда ҳосил бўладиган аччиқ тўтун инсон организмда сил ва саратон касаллигини келтириб чиқаради.

Долзарб экологик муаммолардан бири — турли хилдаги саноат ишлаб чиқариш чиқиндиларининг катта уюм бўлиб тўпланиши, айрим маҳаллалар ва кўп қаватли уйларнинг атрофидан рўзгор чиқиндиларининг турли жойларда тартибсиз сочилиб ётишига йўл қўйилмоқда. Бундай ҳолатлар инсон саломатлигига ҳавф туғдирувчи турли хилдаги юқумли касалликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам экологик ҳолатни яхшилаш ва атроф-муҳит муҳофазаси инсоният олдида турган асосий масаладир.

Ушбу муҳим масалани ижобий ҳал қилишда жамоат ташкилотлари, маҳаллий ҳокимликлар, маҳалла фуқаролар йиғинлари, санитария ҳоҳши ходимлари, табиий муҳофаза қилиш қўмитаси ходимлари билан биргаликда қўшни-қўлга бериб ҳаракат қилиши лозим.

М.МИРЗАМУҲАМЕДОВА,
Тошкент шаҳар табиий муҳофаза қилиш қўмитаси мутахассиси

Жаримачилар

ТЕКШИРУВДА АЁН БЎЛДИ

НОЗИРЛАР ТОМОНИДАН ТУРЛИ ҚОИДАБУЗАРЛИКЛАРИ УЧУН ҚўЙИДАГИ МУТАСАДДИ ШАҲСЛАРГА ЖАРИМАЛАР СОЛИНДИ:

- «2-автосозлаш заводи» МЧЖ мотор таъмирлаш ҳеҳида мотор синаш ускунаси ёнига ерга нефть маҳсулотни тўқилганини ва ён-атрофини ифлосланганлиги учун раҳбар ўринбосари А.Рахмонов Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 65/2-моддасига асосан 62100 сўмлик жаримага тортилди.
- «2-автосозлаш заводи» МЧЖ раҳбари С.Жуманов корхонанинг ишлаб чиқариш корпусидаги чархлаш даст-қўри 4ТУга уланмаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 86/1-моддасига асосан 3700 сўмлик жаримага тортилди.

- Юнусобод-7 мавзесида жойлашган «Дилноза коммуналчи» УЖМШ раиси Д.Алимова ҳудуддан маиший чиқиндиларнинг ўз вақтида олиб кетилмагани учун Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 91/1-моддасига асосан 37260 сўмлик жаримага тортилди.
- «Ипак йўли Туризм Инвест» кўшма корхонаси бош энергетиги А.Абелевич яроқсиз люминисцент лампаларига нисбатан маиший чиқиндиларни утил-лаштириш қоидаларини бузганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 91/1-моддасига асосан 37260 сўмлик жарима тўлайдиган бўлди.

Бундан ташқари, фуқаролар ва ташкилотлар талабларига биноан шаҳар ўсимлик дунёсини асраш масаласи юзасидан 211 та жойларга чиқишлар амалга оширилди. Ҳайвонот олами ва ихтиофауна жониворлари билан ноқонуний савдо қилиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида Давлат биологик назорати ва карантин хизматлари вакиллари билан биргаликда 12 та рейд ўтказилди.

олиб борилмоқда. Сергели тумани, Кўйлик-5-мавзеси, А.Шерматов маҳалласи ҳудудда ўзбошимчилик билан манзарали дарактларнинг кесилганлиги натижасида ўсимлик дунёсига 2 миллион 744 минг сўм миқдоридан етказилган зарар ҳолати бўйича Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 198-боб, 2-қисми билан жиноий иш қўзғатилган. Жиноят ташкилотчиси М.Тошбоев Сергели ТИИБ то-

банди асосида жиноят ишлари қўзғатилган. Хужжатлар судга юборилган. Бундай мисолларни бошқа туманлар бўйича ҳам келтириш мумкин. Умуман, ўтказилган текширишлар натижасида 586 киши маъмурий жавобгарликка тортилган бўлиб, улардан 396 нафари мансабдор шахслар, 190 нафари фуқаролардир. Жавобгар шахсларга 10141,4 минг сўм миқдоридан жарима солинган.

ги учун Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг 75-моддасига асосан 37260 сўмлик жаримага тортилди. РВСМ директор ўринбосари Р.Фозилбеков люминисцент лампаларни утиллаштириш қоидаларини бузганлиги учун Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг 91-моддасига асосан 25000 сўмлик жаримага тортилди.

Шифобахш ўсимликлар САРИҚЗИРА

САРИҚЗИРА СОЯНОГУЛЛИЛАР ОИЛАСИГА КИРUVЧИ КўП ЙИЛЛИК ўТ БўЛИБ, БўЙИ 40-60 САНТИМЕТРГАЧА ЕТАДИ. ПОЯСИ ўРТА ҚИСМИДА БОШЛАБ ШОХЛАГАН, АРИҚЧА ИЗЛИ БўЛАДИ. ўСИМЛИКНИНГ ИЛДИЗ ОЛДИ БАРГЛАРИ ЖУФТ ПАТСИМОН ҚИРҚИЛГАН, АСОСИ ПОНАСИМОН КўРИНИШГА ЭГА.

Барги ингичка чиқиқсимон бўлакчаларга уч марта патсимон ажралган. Пояда қини билан кетма-кет жойлашган. Тўпгулларидаги 20-30 та гулнинг гулбандлари ҳар хил узунликда бўлади. Сарикзира апрель-май ойларида гуллади, уруғи июнь-июль ойларида пишади. Сарикзира Ўзбекистонда Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ўсади. У адири ва тоғнинг пастки қисмида учрайди.

Сарикзира таркибда инсон саломатлиги учун бир қатор фойдали моддалар мавжуд. Унинг уруғларида 2,75-3 фоиз, баргларида 0,12 фоиз эфир майлари бор.

Маълумки, ўрта Осиё халқлари, шу жумладан ўзбеклар сарикзирадан зиравор сифатида кенг қўламда фойдаланадилар. Сарикзира бир қатор таомларни хушхўр, таъмли қилиш билан бирга шифобахш ҳамдир. Абу Али ибн Сино сарикзирадан бўйрак-тош касаллигида тошни туширувчи, сафро ва ел ҳайдовчи дори сифатида нафас, сийдик йўллари ҳамда кўз касалликларини даволашда фойдаланган. Шунингдек, зиранинг суви билан юз ювилса, у тиниқлашини айтган.

Сарикзиранинг мевалари халқ тиббиётида қорин оғриқлари ҳамда талоқ ишларини даволашда истеъмол қилинади, ўсимлик меваларининг сиркадаги дамламаси бурундан қон кетишида, қовурилган мевалари эса сийдик ҳайдовчи омил сифатида тавсия этилади.

Сарикзиранинг меваси пиша бошлаган, ўсимлигининг ер устки қисми ўриб олинади, сўнгра қуритилиб, янчилади, эланиб меваси ажратилади.

А.МУСТАФИН,
қўмита раиси ўринбосари

Тахлиллар нимани кўрсатади?

ЯРИМ ЙИЛЛИК НАТИЖАЛАРИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ҚўМИТАСИ 2007 ЙИЛНИНГ ўТГАН 6 ОЙИ ДАВОМИДА 110 ТА КОМПЛЕКС ВА 1 ТА РЕЖАДАН ТАШҚАРИ, 35 ТА НАЗОРАТ ТАРТИБИДА, 63 ТА ДАВЛАТ БЮДЖЕТИДАН МОЛИЯЛАШТИРИЛАДИГАН ОБЪЕКТЛАР БўЙИЧА ТЕКШИРИШЛАР ўТКАЗДИ.

монидан кидирувга берилган. Шайхонтоҳур тумани «Файзли Октепа» ва «Содик коммуналчи» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ҳудудда 47 ўзбошимчилик билан манзарали дарактларнинг кесилганлиги натижасида ўсимлик дунёсига 9 миллион 103 минг сўмлик зарар етказилган. Жиноий иш қўзғатилиши бўйича тергов ишларини олиб бориш Шайхонтоҳур тумани прокуратураси томонидан рад этилган. Қўмита томонидан прокуратура органларига такрорий илтимоснома йўлланган.

Чилонзор тумани, 1-мавзе ҳудудда манзарали дарактларнинг ноқонуний кесилганлиги натижасида ўсимлик дунёсига 1 миллион 49 минг сўм миқдоридан етказилган зарар ҳолати бўйича Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 198-боб, 2-қисми билан жиноий иш қўзғатилган, тергов ишлари



Ҳисобот даврида ўсимлик дунёсига етказилган зарар учун ташкилот ва фуқароларга нисбатан 135 та 47290,5 минг сўмлик даъво чиқарилган. 134 та даъво бўйича 47225,5 минг сўмлик ўтган йилги қолдиқлари билан жарималар ундирилган.

Ҳисобот даврида шаҳардаги корхоналар ва автомагистралларда автоуловлардан чиқаётган зарарли моддалар миқдори бўйича 13816 та автотранспорт воситалари текширилди, 1270 тасида ёки 9,28 фоиз автоуловлар зарарли моддаларнинг белгиланган миқдоридан ортиқлиги аниқланди.

2007 йилнинг II чораги охирига текширишлар унумдорлиги 99,1 фоизни ташкил этди. Нозирлар томонидан солинган жарималардан қуйидагиларни мисол тариқасида келтирса бўлади.

«Сувсос» ГУПТ КНС-3 бошлиғи Ш.Ғазиев Найман каналига тозаланмаган чиқиндиларни ташлаганлиги учун Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг 72-моддасига асосан 25000 сўмлик жаримага тортилди.

«Спецремкотломонтаж» ҚК директор ўринбосари Е.Абицин сув манбаларидан фойдаланиш давлат қоидаларини бузганли-



Маънавият тарғибот марказлари фаолиятидан

ХАЙРЛИ МАҚСАДЛАР ЙўЛИДА

БАРЧАГА БИРДЕК ЯХШИЛИК ҚИЛИШ, МУРУВВАТ КўРСАТИШ, МЕҲР-ОҚИБАТЛИ БўЛИШ ЮКСАК ИНСОННИЙ ФАЗИЛАТДИР. ОРАМИЗДА МАНА ШУНДАЙ ХАЙРЛИ ИШЛАРНИ ҚИЛИШГА, ДОИМО ЭЗГУЛИК УЛАШИШГА ШАЙ ИНСОНЛАР КАМ ЭМАСЛИГИ ДИЛЛАРГА ЁРУҒЛИК СОЛАДИ.

Жумладан, Республика Маънавият тарғибот марказининг Тошкент шаҳар бўлими томонидан амалга оширилаётган хайрли ишлар айниқса, таҳсинга сазовор бўлмоқда. Яқинда Маънавият тарғибот марказининг Тошкент шаҳар ҳамда Миробод туман бўлимлари ҳамкорлигида Миробод тумани ҳудудда жойлашган корхона ва ташкилотларнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича мутахассислари билан «Ҳазрати Имом» мажмуасига экскурсия уюштирилди. Танишув давомида «Истиқлол» маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Зулхумор Турсунова мажмуа тарихи билан йиғилганларни батафсил таништириб борди. Саёҳат якунида «Истиқлол» маҳалласи фуқаролар йиғини мажлислар залида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Анжуманда Республика Маънавият тарғибот марказининг Миробод туман бўлими раҳбари Иброҳим Абдуғаниев Тошкент шаҳрининг Исом маданияти пойтахти деб эълон қилинганлиги, бу шаҳримиз маданий-маърифий ёдгорликларининг ислом дунёси томонидан тан олинганлигини ва унинг мазмун-моҳияти ҳақида маъруза қилди. Тадбир якунида Маънавият тарғибот марказининг Миробод туман бўлими томонидан ташкил этилган «Миллий гоя ва мафкура тарғиботи» бўйича ўқув курсини тамомлаган тингловчиларга гувоҳномалар топширилди.

МАҲАЛЛАДА МАЪРИФИЙ ТАДБИР

МАЪНАВИЯТ ТАРҒИБОТ МАРКАЗИНИНГ ЮНУСОБОД ТУМАН БўЛИМИ ТОМОНИДАН ТУМАНДАГИ МИРЗО УЛУҒБЕК НОМЛИ МАҲАЛЛА ГУЗАРИДА «ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШ» МАВЗУСИДА ўТКАЗИЛГАН ТАДБИРДА МАҲАЛЛА ФАОЛЛАРИ, ТУМАН ИИБ ВАКИЛЛАРИ, СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИЛАР.

Тадбирни Мирзо Улуғбек номи маҳалла оқсоқоли Зиёвуддин Аброров кириш сўзи билан очиб, маҳаллада амалга оширилаётган ишлар ҳақида гапириб ўтди. Шунингдек, йиғилишда туман ИИБ бўлими ходими З.Атаев маҳаллаларда тинчлик, осойишталикни таъминлаш, ёшларни бузғунчи гоялардан асраш ҳақида гапириб, барчани огоҳликка, ҳушёрликка даъват этди. Тадбирда сўз олган Маънавият тарғибот марказининг Юнусобод туман бўлими раҳбари Нигора Абдурахимова маҳаллада олиб борилаётган маънавий-маърифий ишларга батафсил тўхталди. Яқинлашиб келаётган Энг улуг ва энг азиз байрамимиз олдида маҳаллада таниқли ёзувчи ва шоирлар, эл севган хонандалар билан қизгин учрашувлар ўтказиш ҳақида аҳолига Мустақиллигимизнинг мазмун-моҳиятини кенг тушундириш борасидаги режаларини ўртоқлашди. Йиғилишда иккинчи масала юзасидан — «Ёшлар сиёсати — давлат сиёсати» мавзусида ЎзЛиДеП Юнусобод тумани бўлими раиси ўринбосари Д.Зайнутдинова сўзга чиқиб, сиёсий партияларнинг бугунги кундаги вазифалари ва мақсадлари ҳақида гапириб ўтди.

Қизгин савол-жавоблар, баҳс-мунозаралар билан ўтган тадбир йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Дилором ИКРОМОВА

«Камолот»

БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛЛАШМОҚДА

ЁШЛАРИМИЗНИНГ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМО ҚИЛИШ, УЛАРНИНГ КАМОЛОТИ ЙўЛИДАГИ САЪ-ҲАРАКАТЛАРДА «КАМОЛОТ» ЁИҲ МИРОБОД ТУМАН БўЛИМИ КЕНГАШИНИНГ ҲАМ ўЗ ўРНИ БОР. ҲОЗИРДА МИРОБОД ТУМАНИДА 8 ТА ОЛИЙ ўқув юрти МАВЖУД БўЛИБ, ШУЛАРДАН 7 ТАСИДА ҲАРАКАТНИНГ БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ ФАОЛИЯТ ЮРИТИШ КЕЛМОҚДА. ШУНИНГДЕК, ТУМАНДА 8 ТА ўРТА МАХСУС КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ ВА АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАР БўЛИБ, УЛАРНИНГ БАРЧАСИДА ҲАРАКАТНИНГ БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТИ МАВЖУД.


Шу кунга келиб, олий ва ўрта махсус таълим муассасаларидаги бошланғич ташкилот аъзолари сони 16388 нафарни ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 10 октябрдаги «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатини қўллаб-қувватлаш ва унинг фаолият самардорлигини янада ошириш тўғрисидаги Қарорига мувофиқ жойларда бир қатор тадбирлар амалга оширилди ва уларнинг мазмун-моҳияти бойитилди.

2006 йил ноябрь ойида бўлиб ўтган Қурултойда тасдиқланган Ҳаракатнинг Низом ва Дастуридаги янги таҳририга кўра Сардорлар ва етакчилар кенгаши аъзолари, умумтаълим мактаб бош етакчилари, олий ўқув юрти бошланғич ташкилотлари етакчилари учун семинарлар ташкил этилди.

2007 йилнинг «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилинганлиги ва қабул қилинган давлат дастурининг ижросини таъминлаш мақсадида бошланғич ташкилот аъзоларининг таъаббуси билан пойтахтимизда жойлашган Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари учун турли хил тадбирлар, кўнгилочар уйлар ташкил қилиниб, уларга соғалар тақдим этилмоқда.

Ҳозирги кунда «Камолот» ЁИҲ Миробод туман бўлими Кенгаши Ҳаракатнинг «Ёзи «Камолот билан!» лойиҳасини амалга ошириб келмоқда, мактаблар қошидаги соғломлаштириш оромгоҳлари билан ҳамкорликда турли мавзуларда давра суҳбатлари ва қизиқарли учрашувлар ўтказилмоқда.

Жумладан 328, 218 ва 158-мактаблар қошидаги соғломлаштириш оромгоҳлари тарбияланувчиларининг дам олиш таътиллари мазмуни ва мароқли ўтказишларига муносиб ҳисса бўлиб қўйишга кўнгилочар тадбир ва спорт мусобақалари барчага маъқул бўлмоқда. **Мастураҳон ТОШПўЛТОВА**



МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ

ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ

ХИКМАТЛАР

Кема ичра сув ҳалок этгучидир,
Кема остида ани элтгучидир.

Ул Сулаймонким, ўзин мискин демиш,
Мол-дунё меҳрин дилдан ҳайдадиш.

Оғзи маҳкам кўза ғарқ бўлмас магар,
Бод уни сатҳида элтгай сарбасар.

Икки-уч қуш бирга боғланса тамом,
Ер бўлур ҳасрат макони ҳамда дом.

Хикмат кони бўлди хикмат истаган,
Фориг бўлди у сабаб таҳсилдан.

Жабр қилган ўзин бошига етди,
Ушал жабри ани мазорга элтиди.

Нурни кўрмоқ рангни кўрмоқ аслида,
Нур хувайдо бўлди зулмат қасдида.

Неча пинҳон зиддиятдан ошкор.

Пўст нима? Ул ранг-баранг сўзлар бари,
Йўқ бўлур сувда хубоблар сингари.

Тўғри боққай ул назарким, мустақим.

Йўл равону туб-тубида домлар.

Агар сирингни бир-икки кишига сўйлар эсанг,
Ул сирга видо лозимдир.

Ҳар роз сўзланилмас.

Бул сабаблар риштасин олам аро
Билма саргардон фалақдан мутлақо.

Қуши ердин юкори ўчқай, агарчи осмонга етмай,
Аммо томдин йироқ бўлғай.

Барча малолат бу оламга кўнгул боғлағондир.

Озодмард улдулки, биров ранжин қилгондин ранжида
бўлмағай в жавонмард улдулки, ранжида қилурга
мустважиб бўлгонни ранжида қилмағай.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

Ёз — ўтмоқда соз

ОРОМГОҲДА КЎНГИЛОЧАР ТАДБИРЛАР

МАШҲУР ИНГЛИЗ АДИБИ ДАНИЭЛ ДЕФО ҚЛАМИГА МАНСУБ «РОБИНЗОН КРУЗО ВА УНИНГ САРГУЗАШТЛАРИ» РОМАНИНИ СЕВИБ МУТЛАҚА ҚИЛМАГАН, УШБУ АСАР АСОСИДА СУРАТГА ОЛИНГАН ФИЛЬМДАН УЛКАН ТААССУРОТЛАРНИ ТУЙМАГАН КИШИНИ ТОПИШ ҚИЙИН, АЛБАТТА.

Бинобарин, мазкур эпик жанр намунаси инсон иродаси, унинг улкан кудратини сўз жилосида акс эттириб бергани боисдан ҳам минглаб китобхонларнинг меҳрини қозонган. Ёзнинг айна ҳароратли кунларида эса турли оромгоҳларда ҳордиқ чиқараётган болажонларни Робинзонга хос бўлган ирода, сабру бардош, келажакка умид руҳида тарбиялаш мақсадидан қатор спорт-кўнгилочар тадбирлар мунтазам равишда уюштирилмоқда.

Ана шундай тадбирлар Юнусобод туман халқ таълими бўлимига қарашли

235, 274, 302-ўрта умумтаълим мактаблари қошида ташкил этилган болалар ёзги оромгоҳларида ўтказилди. «Робинзон изидан» деб номланган ушбу спорт-кўнгилочар мусобақалари уч босқичда олиб борилди. Унга кўра тадбир иштирокчиларидан гуруҳлар танишуви, Робинзонга совға, охириги қаҳрамон, экспорт эстафетаси сингари шартларни бажариши талаб этилди.

— Айни шу мавзу доирасида ўтказиб бораётган тадбирларимиз ўзининг маърифий жиҳати билан ажралиб туради, — дейди тадбир ташкилотчи-

ридан бири Юнусобод туман ўқувчилар ижодиёти маркази директори ва-зифасини бажарувчи Сурайё Бобоева биз билан суҳбатда. — Гап шундаки, ҳордиқ чиқараётган ўқувчиларни жаҳон адабиётининг шоҳ асарларидан бири-нинг мазмунини билан яқиндан таништириш асносида уларда ватанпарварлик туйғусини, тинч, фаровон ва осойишта кунларнинг қадрига етиш сингари фазилатларнинг шаклланишига ишонамиз. Бу масаланинг биригина томони холос. Иккинчидан, уларнинг жисмоний имкониятларини кенгайтириш, чиқиштириш биз олиб бораётган педагогик амалиётнинг ажралмас қисмини ташкил этади, десам муболага қилмаган бўламан.

Дарҳақиқат, ушбу спорт-кўнгилочар мусобақаларида ўқувчиларнинг руҳий ва жисмоний тайёргарлиги, фавқулодда содир бўладиган ҳодисаларга тайёргарлиги синондан ўтказилди. Тадбир сўнгида мазкур босқичларда алоҳида фанлиқ кўрсатган ўқувчилар Фахрий ёрликлар билан тақдирланди.

Хидирали ПАНЖИЕВ

Футбол

ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ ЯКУНЛАНДИ

ОСИЁ ФУТБОЛ КОНФЕДЕРАЦИЯСИ ТАШАБУСИ БИЛАН ИЛК МАРТА ТЎРТА МАМЛАКАТ — ИНДОНЕЗИЯ, ВЬЕТНАМ, ТАИЛАНД ҲАМДА МАЛАЙЗИЯ ЯШИЛ МАЙДОНЛАРИДА ҚИТЪАМИЗНИНГ ЭНГ КУЧЛИ 16 ТЕРМА ЖАМОАСИ ИШТИРОКИДА УЮШТИРИЛГАН ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ МУСОБАҚАЛАРИ ЯКУНИГА ЕТДИ.

Рауф Инилеев бош мураббийлигидаги Ўзбекистон терма жамоасини чорак финалда ҳакамларнинг «ёрдами» эвазига мағлуб этган Саудия Арабистони терма жамоасига ярим финалда япониялик чарм тўп усталари 2:3 ҳисобида енгилди. Жанубий кореялик футболчилар билан ярим финалда куч синанган ироқликларга ҳам омад кулиб боқди. Асосий ва кўшимча вақтда ҳисоб очилмаган пенальтилар сериясида ироқликлар 4:3 ҳисобида галабага эришишди.

Учинчи ўрин учун Жану-

бий Корея ва Япония баҳс олиб борди. Ушбу учрашувда ҳам голибни пенальтилар сериясида аниқлашга тўғри келди. Рақибларининг дарвозасини тўрт марта аниқ нишонга олиб ўз дарвозаларидан учта тўп ўтказиб юборган Жанубий кореяликлар Ҳануи Осие чемпионатининг бронза медаллари топширилди.

Мухлислар орзиқиб кутган финал учрашуви Ироқ-Саудия Арабистони терма жамоалари ўртасида кечди. Шунинг таъкидлаш жоизки, бразилиялик Виера бош мураббийлигида Осие чемпи-

натида иштирок этган ироқликлар тезкор, ҳужумкор, комбинацион ўйин намойиш этишиб рақиблари дарвозасини олдида кўп марта хавфли вазиятларни содир этишди. Фақат 72-дақиқадагина тиниб-тинчимас Юнус Махмуд араблар дарвозасига гол кирита олди. Ва ана шу янгра гол учрашув охиригача сақланиб қолди.

Энди Осие футбол конфедерацияси қарорига кўра 2011 йилда Қатарда ўтказилган XV Осие чемпионатининг финал босқичида Қатар, Ироқ, Саудия Арабистони ва Жанубий Корея терма жа-

моалари саралаш мусобақаларисиз тўғридан-тўғри иштирок этишади.

Шу ўринда Ўзбекистон терма жамоасининг ҳам нуфузли турнирда муваффақиятли иштирок этганлигини, Осиенинг кучли саккизликига кирганлигини эътироф этиш лозим. Рауф Инилеев, Миржалол Қосимов, Анвар Рашидов, Микола Шевченко сингари иқтидорли мураббийлар терма жамоа ўйин услубига ижобий ўзгаришлар кирита олишган. Энг муҳими, иқтидорли ёшларни терма жамоага жалб этишган. Уйлашмики, терма жамоамиз жаҳон чемпионатининг саралаш мусобақаларида муваффақиятли иштирок этиши, мухлисларини хурсанд қилиши.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

Мутахассис оғоҳлантирад

САЛОМАТЛИК КУШАНДАСИДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

МАЪЛУМКИ, ЁЗ МАВСУМИДА ТУРЛИ ХИЛ ҲАШАРОТЛАР КЎПАЙИБ, ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАРНИНГ АВЖ ОЛИШИГА САБАБ БЎЛАДИ.

Саломатлигимиз қушандалари орасида пашшалар ёниқса хавфлидир. Пашша тез кўпаювчи ҳашаротдир. Пашшалар кунлар исиди билан тухум қўйгандан сўнг 1 ҳафтанича унинг чиқа бошлайди. Она пашша ўз ҳаёти дамида ўзидан 1 миллионгача насл қолдириши мумкин. Пашшалар мол ва бошқа турдаги ҳайвонларнинг гўн-гирини, озиқ-овқат қолдиқлари, чириган мева ва сабзавотларга ўз тухумларини қўйиб, тез кўпайди. Шунинг учун озиқ-овқат қолдиқларини, чириган мева-сабзавотларни узоқ вақт хоналарда, чиқинди тўпланадиган ерларда қўйиб қетишига йўл қўйманг, мол ва бошқа ҳайвонлар гўн-гирини 3-4 метрлик ўра қазиб, қўмиб ташланг, бунда мўлм вақт ўтиб гўнлар чириб тайёр ўғит ҳолига келади.

Моллар, паррандалар ва бошқа ҳайвонларни алоҳида жихозланган биноларда сақланг, улар давола-профилактик, ўқув-маданий оқартув муассасалари, т-зорлар, озиқ-овқат дўконларидан, овқатланиш қорхоналари биноларидан камида 100 метр узоқда, турар ж-лардан эса 15-20 метр узоқда бўлиши лозим, уй ҳи-вонлари ва паррандалар сақловчи ҳўжалиқлар ҳайв-лар ва паррандалар биноларини, шунингдек, улар ат-фини озода сақлаши, молхоналардан эса иложи бў-а молларни вақтинча бошқа ерга кўчириб, улар турган -ларни умумий сув ҳавзаларига туширмаган ҳолда исқ сув билан ювиб туришлари лозим. Шунингдек, сое-керосин аралашмасини тайёрлаб (бунинг учун ярим лр керосинга тўрт литр совун суви эритмаси ёки ош ту-нинг қайноқ эритмаси қўшилиди) уни мол гўнларга, бошқа чиқиндиларга сепилади. Гипохлорид Са тарки-да 30 фоиздан 50 фоизгача хлор сақланади, у ҳам кўк ҳолда мол гўнлари ва бошқа чиқиндиларига сепила-ди. Ахлат қутилари, ахлат йиғиш бункерлари чиқиндилр-дан бўшатилиши билан қайноқ сув билан ювилишга дезинфекцияловчи моддалар билан ишловдан ўткази-ши лозим. Шунинг учун йил давомида ўзингиз яёб турган туман дезинфекция станциялари билан шарто-ма тузишнинг керак. Янада тўлик маълумотга эга бўл-қчи бўлсангиз, ўзингиз яшаб турган туман дезинфе-ция станциясига мурожаат қилишингиз мумкин. Шундан-на Сиз соғлигингиз душмани бўлган турли ичак инфек-цияларни тарқатувчи пашшаларнинг кўпайишига йўл қўй-маган ва ўзингизнинг, яқинларингизнинг соғлигини мо-фаза қилган бўласиз.

М.НУРМУҲАМЕДОВА,

Тошкент шаҳар Дезинфекция станцияси прои-лактик дезинфекция бўлимининг бошлиғи, оий тоифали шифсор

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон банклари Ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ 2007 йил 4 сентябрь куни соат 11.00 да «Ўзбекистон банклари Ассоциацияси» биносида ўтказиладиган очик аукцион савдолариغا Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан тақдим этилган Тошкент шаҳри Ҳамза тумани, Мусахонов (Ҳамза) кўчаси, 2-уй манзилда жойлашган «Toshqishloqmash» ОАЖга тегишли қуйидаги мулкларни қўймоқда.

2006 йил 12 сентябрдаги 10-0611/11268-сонли ижро ҳужжати асосан тақдим этилган, 1931 йилда қурилган жами 3762 кв.м.дан ташкил топган фотоллаборатория бино ва иншоотлари. **Бошланғич баҳоси — 55 663 488 сўм 06 тийин.**

2006 йил 12 сентябрдаги 10-0611/11269-сонли ижро ҳужжати асосан, жами 1256 кв.м.дан ташкил топган 33-сонли цех биноси ва иншоотлари. **Бошланғич баҳоси — 17 500 319 сўм 48 тийин.**

2006 йил 24 апрелдаги 10-0511/5061-сонли ижро ҳужжати асосан, жами 1748 кв.м.дан ташкил топган 36-сонли цех биноси ва иншоотлари. **Бошланғич баҳоси — 17 777 994 сўм.**

Қизиқиш билдирган харидорлар ушбу мулкларни суд ижрочилари иштирокида бевосита жойга чиқиб кўриши мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатида мулк номи, ижро ҳужжат рақами ва санасини кўрсатилган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоиз миқдоридан зақалат пулини «Ўзбекистон банклари Ассоциациясининг Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банк Автотранспорт филиалининг «Альянс» мини-банкдаги, МФО 00417, СТИР 204325773, 20208000804234776001-ҳисоб рақамига тўлашлари ва савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризаларни ва зақалат пуллари қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Ҳужаев кўчаси, 1-уй. Тел. 138-69-94, 138-69-93.

Тошкент шаҳар ҳокимияти соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси тиббиёт коллежи томонидан 1999 йил 1 мартда Нурутдинова Малика Баходировна номига берилган 273403 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети томонидан 2006 йилда Абдурахмонова Гузал Бахтиёровна номига берилган В023269 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент Молия институтини томонидан 2004 йилда Тоғаев Хамидулла Примович номига берилган рўйхат рақами № 1504 бўлган, № 169597 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар Давлат архиви ва Тошкент шаҳар Идоралараро шахсий таркиб архиви раҳбарияти ҳамда ходимлари Архив иши бошқармаси бошлиғи Юлдашбай Эргашевич Ходжибаевга ўғли **ШАХБОЗНИНГ** бевақф вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.



Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г- 606

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95,
136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЙЎЛОВЧИ ТАШИШ ЙЎНАЛИШЛАРИДА ИШЛАШ ҲУҚУҚИНИ ОЛИШ УЧУН ОЧИҚ ТЕНДЕР ЎТКАЗИЛАДИ

Очиқ тендерда мулкчилик шаклидан қатъи назар, солиқ органлари ҳисобида турувчи ва автомобиль транспортда шаҳарда йўловчи ташишни амалга ошириш учун лицензияси мавжуд (тавсиф қилинадиган ҳар бир автотранспорт воситаси учун лицензия варақаларига эга бўлиши шарт), юриди шахс мақомига эга бўлган ташувчилар иштирок этиши мумкин.

Тендерга қуйидаги йўналишлар қўйилади:
1.2007 йил 12 сентябрь соат 10.00 да

№	Таълим муассасаси номи	Манзили
1.	5 «Мажнунтол маҳалласи — Машинасозлар АШБ»	Микроавтобус
2.	12 «Оқтепа майдони — Тансиқбоев»	Микроавтобус
3.	39 «Янгиобод АШБ — Сергели-7 АШБ»	«Дамас»
4.	41 «Венгерская кўчаси — Тошкент вокзали АШБ»	Микроавтобус
5.	46 «Чилонзор савдо маркази — Ал Хоразмий мавзеси»	Микроавтобус
6.	80 «Янгиобод мавзеси — Чорсу савдо маркази АШБ»	Микроавтобус
7.	122 «Чорсу савдо маркази АШБ — Беруний АШБ»	«Дамас»
8.	124 «Аэропорт АШБ — Чилонзор 25-даҳа АШБ»	«Дамас»
9.	126 «СамПИ — МУМ «Тошкент» АШБ»	Микроавтобус
10.	138 «Мойариқ» маҳалласи — Ҳадра майдони»	«Дамас»
11.	153 «Олой» бозори АШБ — С.Раҳимов м.б.»	Микроавтобус

Тендер ташкилотчиси — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 31 январдаги 11-сонли қарори асосида Тошкент шаҳар ҳокимлиги Йўловчи транспортининг барча турлаи ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти.

Тендерда иштирок этишни хоҳловчилардан буюртманомаларни қабул қилиш ва тендер ҳужжатлаи пакетини бериш тендер ўтказилишидан 5 кун олдин тугалланади.

Тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Тошкент шаҳридаги «Санот Қурилиш Банкининг Амалит Бўлими»даги 20210000604197971001 х/р (банк коди 00440, СТИР 204094453, ХХТУТ 51600) га **5410 сўм** ўтказилади.

Тендер тақлифларини қабул қилиш тендер ўтказиладиган кундан бир кун олдин (соат 17.00 д) тўхтатилади.

Тендер ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, А.Темур 1-тор кўчаси, 6-уй.

Маълумот учун телефон: 133-89-58.

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
2875 нусхада босилади.
Қоғоз бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари буйича турај
жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент
почтамини»га — 133-74-05 телефонига мурожаат
қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг компьютер
марказида терилди ва сақланганди.
«Шарқ» нашриёт-матбаа оқшомининг компьютер
Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 6